



“24” 06 2020 y. № 01-06/1502

**Оммавий ахборот воситалари,
ташки реклама объектлари
(конструкциялари эгалари),
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишларда бир қатор ахборот воситаларида (телевидение, радио, босма нашрлар), интернет ва ижтимоий тармоқларда рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини нотўғри қўллаш амалиёти мавжудлиги маълум бўлмоқда.

Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар (иш, хизмат) рекламасида “Премиум”, “Люкс”, “Элитный”, “Элит”, “Энг олий сифат”, “Табий”, “Энг зўр танлов”, “Живой продукт”, “Ҳақиқий”, “Легкий” ва бошқа шунга ўхшаш бўрттирувчи ибораларини қўлланилиши кузатилмоқда ҳамда бу ҳолатлар ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг ҳам эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини юқоридаги сифат кўрсаткичлари асосида классификация қилишнинг аниқ механизми мавжуд бўлмасида, бундай ибораларни маҳсулотлар рекламасида қўлланиши рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган ҳолатларга олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан, қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида, рекламани тарқатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган талабларни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бузиши натижасида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган, шахсларга, шунингдек давлатга зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (13-модда).

Юқоридагиларга асосан, истеъмолчиларни нотўғри ва ишончсиз рекламалардан ҳимоя қилиш мақсадида Сиздан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш, шу жумладан товар (иш, хизмат) таснифига оид берилган тарифни асословчи ҳужжатлари етарлича мавжуд бўлганда фойдаланиш сўралади.

Директор

Э.Хайтметов